



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ

2011 йил
20 июль
ЧОРШАНБА
№ 57
(12.381)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Тўрт тарафи баланд тоғлар билан ўралган Бўстонлик ҳар фаслда ажиб гўзалликка бурканади. Кўкларда ён-атроф ям-яшил тусга киради. Гуллаб-яшнаётган боғ-роғлар, адирларни қизилга бўяган лолалар бахри-дилни яйратади. Кумуш қишнинг тароватини айтмайсизми?! Қор билан тўлган баланд-паст қоялар кўзни қамаштиради. Бўстонликлик деҳқонлар ёз-кузни файзу барокат фасли деб таърифлашади. Негаки, эрта баҳорда не-не ниятлар билан ерга қадалган уруғ, ҳар бир кўчат аини шу вақтда ўз мевасини беради. Бунини кўз билан кўришнинг гаши бўлакча.

Бўстонлик:

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

1. Кўпчиликка бош бўлиш, етакчилик қилиш — осон иш эмас



Ҳар бир мамлакат, халқ, миллат тарихида кўтарилиш босқичлари бўлади. Бўстонлик том маънода ана шу босқичда десак муболага бўлмас.

Тумандаги барча ташкилотлар, фермер хўжаликлари, корхона, ўзини-ўзи боқариш идоралари, шу билан бирга, оддий фуқаро ҳам ўз кучларини бирлаштириб, Ватан, юрт, халқ равақини йўлида меҳнат қилмоқда.

Хайрулла Нурмухамедов нафақат тумандаги, балки вилоятимиздаги илғор фермерлардан. У "Усмон ота" фермер хўжалиги раҳбари. Қўшнларнинг айтишича, фермер халқ хўроқ қичқирмасиданок дала кезади. Тун қоронғусида ишларни якунлаб, уйига қайтади.

Биз ҳам фермерни одатдагидек, далада, қизил иш устида учратдик. 41 гектар ерга галла экиб, давлатга 115 тонна дон топшириб шартномани бичинчи бўлиб бажарган Хайрулла ака иккинчи экин — картошка экётган экан.

— Ишни беш гектар ерда бошлагандик, — дейди у. — Ҳозир бу кўрсаткич 119 гектарга етди. "Ерни боқсанг — ер сени боқар" деганларни рост экан. Аслида шаҳар ҳаётидан бироз дам олиш мақсадида Бўстонлик тумонларга келган эдим. Тақдир тақозоси билан фермер бўлдим.

Ҳа, бир умр пешона тери билан меҳнат қилган, юрт

корига ярашни олий саодат деб билган Хайрулла Нурмухамедов тадбиркорлиги, изланиши, фидойилиги билан эл назарига тушди. Фермер кундан-кунга ўз фаолиятини кенгайтириб 18 гектар ерда кунгабоқар, 15 гектарда 1200 туп олма, 3 минг туп гилос, минг туп нок ва ёнғоқ экиб, катта боғ яратди. Унинг салкам 10 гектар майдонини эгаллаган узумзорда ҳусайни, кишмиш, чарос каби хил-хил узумлар бор.

Гап орасида фермер 10 мингдан зиёд товуқ боқаетгани, жорий йилнинг 6 ойида 36 тоннадан зиёд гўшт топшириб, хўжалик ҳудудида яна 6 та товуқ боқисига мўлжалланган ферма қураётганини айтиб қолди.

Бунини қарангки, ҳам тежамкор, ҳам тадбиркор Хайрулла ака ферманинг озуқа захирасини яна яхшилаш ва кенгайтириш ниятида иккинчи экин сифатида маккажўхори ва бошқа дон маҳсулотларини экомқчи. Бундан ташқари, у ферма қурилишларини ҳам ашё билан таъминлаш мақсадида ўнқир-чўнқир тепаликларни обод қилиб,



СУРАТДА: «Ражаббой — Маҳкам боғи» фермер хўжалиги раҳбари Ражаббой Муродов ўз ишчилари билан; фермер Хайрулла Нурмухамедов яратган боғ мевалари гарқ пишган.

30 мингдан зиёд терак қаламчаларини ўтказди. 2 минг 500 та туп арча экиб, ён-атрофни кўкаламзорга айлантirdи.

— Ишлайман деса — бунақа шароит, имконият ва қулайлик ҳеч қаерда йўқ, — дейди фермер. — Озгина ҳаракат, сидқидилдан, кунт билан меҳнат қилишнинг ўзи кифоя. Бугун фермерда ерга чинакам эгаллик ҳисси бор, ҳокимлик, банклар умуман давлат. Ўртбосимиз бизни кўламоқда, бундан оқилона фойдаланайлик.

Хўжаликда жами 60 га яқин ишчи-хизматчи ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Уларнинг раҳбардан кўнглилари тўқ, миннатдорлар. Чунки, ишнинг кўзини биладиган раҳбар энг аввало ишчилар кайфиятини кўтаришга, уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Бу йил фермер "Ташаббус — 2011" курик-танловининг вилоят босқичида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Дарове, қишлоқдагилар Хайрулла Нурмухамедов ҳақида "саховатпеша, инсонпарвар, раҳмдил инсон" дея илиқ фикрлар билдиришди.

У кам таъминланган, ноқор оилаларга, тумандаги 125-мактаб-интернатга ҳамийлик ёрдами кўрсатапти. Туманда Хайрулла ака сингари бепоеён боғ-роғлар ва галлазорларга эга, янгиликка интилиб ишлаётган, ташаббускор, миришкор деҳқонлар кўп. Улар 300 дан ортиқ фермер хўжаликларини бошқаришмоқда.

Қувонарлики, туман фермерлари ичида режани бажармаганлари, зарар қўриб ишлаётганлари йўқ.

Алоҳида таъкидлаш кераки, Бўстонлик нафақат деҳқончиликда, балки паррандачилик, чорвачилик, сановатда, қурилишда ҳам етакчилик қилади.

Зотан, чорвачиликни ривожлантириш борасида олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, туманда жами 106187 бош қорамол, кўй-эчкилар боқилмоқда.

Сўнгги йилларда Тожикистонда тўғони дунёда энг баланд — 350 метр бўладиган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича уринишлар яна фаоллашгани кўзатишмоқда. Яхши маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида "табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган" коммунистлар онгида тутилган ва КПССнинг XXIV съезида маъқулланган ушбу лойиҳа ўз умрини яшаб бўлган совет тизимида хос улкан иншоотлар

қуриш вазасасининг оқибатидир.

Мазкур лойиҳа Тожикистон аҳолиси учун ҳам, Ўзбекистон ва умуман, бутун Ўрта Осиё аҳолиси учун ҳам мислсиз хавф туғдириши мумкинлигини яхши англаган илғор тожик эиёлилари Тожикистон мустақилликка эришган илк кунларданок, ушбу иншоот қурилиши жадал давом этаётган ўша пайтларда қурилиш ишларини тўхтатишга ҳаракат қилгани ва бунга эришгани бежиз эмас.

ЯНА БИР БОР РОГУН ГЭСИ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўнлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган Саяно-Шушенск ГЭСидаги ҳалокат ҳам ушбу лойиҳа муҳандислик нуқтаи назаридан пуч ва исқиболсиз эканини исботлади. Чунки ушбу улкан иншоот ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси учун асос қилиб олинган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ барпо этилган эди.

Боз устига экспертиза натижалари шуни кўрсатадики, Роғун гидроузелининг илгари барпо этилган иншоотлари қурилиши чоғида ушбу эскирган қурилиш нормалари ҳам қўпол равишда бузилган. Ўша даврда қурилган машина залининг қарама-қарши деворлари бир-бирига томон 90 сантиметрдан зиёд силжиганининг ўзиёқ бунга аниқ далил бўла олади.

Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, қурилиш участкаси учун жой мутлақо нотўғри танланган. Негаки, ушбу майдон Рихтер шкаласи бўйича 9 ва ундан юқори балли ҳалокатли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Илк-Вахш ёриги зонасида жойлашган. Ушбу ҳудудда юз берган 9 балли зилзилалар 1907 йил Қоратог, 1911 йил Сарез дараси, 1949 йил Хайтани ларзага келтирилгани, 100 мингдан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлганини тожикистонлик олимлар, ёши улф кишилар унутгани йўқ ҳали.

Тожикистоннинг етакчи сейсмологлари ушбу зилзилалар юзага келган жараёнда таҳлили асосида Роғун ГЭСи қуриладиган ҳудудда келингчи ўн йилликда кучли ер силкинишлари юз бериши мумкинлигини башорат қилмоқдалар.

Роғун ГЭСи ишга тушириладиган бўлса, тўғон остида қоладиган юз метр қалинликдаги туз қатлами ушбу улкан техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради. Ушбу туз қатламнинг сув таъсирида доимий ювilib туриши, ҳаттоки сезилар-сезилмас сейсмик сил-жишлар ҳам 350 метрлик уйма тўғоннинг ўпирилишига олиб келиши мукаррар. Бундай ҳолат рўй берадиган бўлса, ер сатҳидан 100 метр баланд бўлган тўғон пастра секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда ёпирилади.

Оқибатда қуйида жойлашган Нурек ГЭСи тўғонини бутунлай ўпириб, бу тўғон янада баландлашади ва Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭС ва гидроузеллари вайрон қилади. Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўнлаб шаҳар ва аҳоли пунктлари сув остида қолади, бутун Ўрта Осиё минтақасида мисли қўрилмаган техноген ва экологик ҳалокат юзага келади.

Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзага келтирадиган хавфларни кайд этарканмиз, унинг Тожикистон ва қўшни давлатлар экологияси, биохилма-хиллиги ҳамда миллионлаб одамлар истиқомат қилаётган жойларга етказадиган муқаррар фожия таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лойиҳа бўйича 14 куб километр сугимга эга Роғун ГЭСи сув омборини тўлдир-иш учун саккиз йил керак бўлади. Бу даврда Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг қуйи қисмидаги ҳудуд-

ларда узок йиллар кургоқчилик юзага келади.

Роғун сув омбори тўла қувват билан ишга тушгач, ГЭСнинг энергетик иш режимида ўтказилиши ёз-куз мавсумида омборда сув тўпланиши сабабли кургоқчилик ва сув тақислигини юзага келтириши, киш мавсумида эса электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида сув омборидан катта микдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серхосил ерларни яроқсиз қолга келтириши мумкин. Бундай вазият Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллионлаб аҳолисини муҳим ҳаётий манбалардан маҳрум этади.

Тез-тез содир бўлиб турадиган сув тақчиллиги ва кургоқчилик йилларида Амударё суви Оролбўйи ҳудудларига деярли етиб бормайди, бу глобал микёсдаги ушбу экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада ёйилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши оқибатида катта микёсдаги кургоқчилик, очарчилик, касалликлар тарқалиши юзага келади, Амударёнинг қуйи қисмида яшаётган миллионлаб одамлар бошқа жойларга кўчишига мажбур бўлади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан Роғун ГЭСининг қурилиши халқаро нормаларнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Негаки, барча параметрларга кўра, Амударё трансгеографик сув оқими бўлиб, унинг сувидаги фойдаланиш режими ўзгариши билан боғлиқ ҳар қандай қурилиш ушбу дарё ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган қўшни давлатларнинг розилиги билангина амалга оширилиши керак. Бугун Ўзбекистон бутун минтақамиз учун фалокат билан якунланиши эҳтимоли бўлган мазкур лойиҳани амалга оширишга розилик бермаслик учун етарли даражада ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқ ва далилларга эга.

Тожикистонда ҳар йили юзага келаётган электр энергияси тақчиллиги туфайли Роғун ГЭСини қуриш зарур, деб ҳисоблайдиган лойиҳа тарафдорлари нимагадир барчага яхши маълум бўлган далиллар ҳақида чурқ этмаётир. Тожикистон мавжуд энергетика салоҳиятининг катта қисмини "ТАЛКО" алюминий компанияси фаолиятини таъминлашга, шунингдек, экспортга йўналтирмася, мамлакатни электр энергияси билан тўла таъминлаш имконига эга бўлар эди. Сир эмаски, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ошиги ушбу компанияга етказиб берилади, ҳатто шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилган пайтларда ҳам айнан шу компания электр энергиясини узлуксиз равишда олади.

Бу "ТАЛКО" алюминий компанияси даромадининг қарийб тўртдан уч қисми Тожикистоннинг коррупцияга ботган бюрократиясининг оффшор ҳисоб рақамларига йўналтирилаётгани билан изоҳланади. 2010 йилнинг кузига ўтказилган халқаро аудит натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йиллар-

да завод маҳсулотини сотиш жараёнида яширин схема-лар қўлланиши оқибатида давлат бюджети қарийб 1 миллиард доллар микдоридаги даромаддан маҳрум бўлган.

Бугунги кунда Тожикистон ҳукумати гўёки мустақил халқаро экспертиза ўтказилганини пеш қилган ҳолда, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадида қаратилган ўз далил-исботларини кучайтиришга уринмоқда.

Халқаро экспертиза ўтказиш — бу албатта адолатли ва тўғри қарор. Бироқ экспертиза ўтказишнинг бундай технология ва тартибларини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Зеро, "Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг қўлигини айтасан", деб бежиз айтилган.

Бор кучи билан Роғун ГЭСи қурилишини амалга оширишга уринган ва мустақил халқаро экспертиза ўтказилишига доимо қарши бўлиб келган Тожикистон ҳукумати тўсатдан ушбу лойиҳанинг асослигини юзасидан экспертиза ўтказишнинг бюртмачисига айланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг учун Жаҳон банки Тожикистон ҳукумати-га, яъни бюртмачига грант тариқасида 15 миллион АҚШ долларини деярли бегарас ажратди. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бундай ҳолда қандай ҳолис, адолатли ва мустақил экспертиза ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Ушбу процедураларнинг барчаси бюртмачи асосига қурилгани аён бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, бундай экспертизалардан мазкур лойиҳани амалга ошириш хавфли эканлиги ва юзага келиши мумкин бўлган фожияли оқибатлар ҳақида ҳеч қандай принципал ҳулосани қутмася ҳам бўлади. Ўзбекистон томони, табиийки, халқаро экспертиза ўтказишга бундай ёндашув билан ҳеч қачон келишя олмайди.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли борми? Ҳа, бунинг йўли бор ва у жаҳон матбуотида кўпдан бери муҳома қилинмоқда.

Бу ерда гап Амударёнинг юқори қисмида барча хавфларни таъминлаш истисно этувчи кичик гидроэлектр-станциялар мажмуасини қуриш ҳақида бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича кўра, бундай ёндашув Тожикистонни электр энергияси билан таъминлаш муаммосини самарали ва энг муҳими, анча арзон ҳал қилиш имкониятини беради.

Қўлаб давлатлар тарихи ва таърибаси бундай ҳулосанинг тўғри эканини исботлайди.

Зеро, ҳаётнинг ўзи ва ҳозирги дунё воқеялари барчамиздан иқтисодий, биринчи навбатда, энергетика стратегиясини амалга оширишда эски ва сийқаси чиққан бир томонлама эгоцентрик ёндашувлардан воз кечиши, трансгеографик дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича БМТнинг тегишли конвенцияларига қатъий риоя қилини, ўз ҳудудида минтақадаги табиий-экологик, коммуникация ва инфратузилма алоқалар ягона тизимининг ажралмас бир бўлини сифатида қарашни тақозо этмоқда.

ТАНЛОВ

МОМОЛАР ҚЎШИҒИН КҮЙЛАР ОНАЛАР

Ҳар йили элимизнинг ҳур ва озодлик байрами — Истиқлол шодиёналари арафасида "Оналар куй-лаганда" кўрик-танлови ўтказилади.



Ёш авлодни умуммиллий қадриятларимиз, бебаҳо меросимизга ҳурмат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, қўнча тарих ва маданиятимиз, бетакрор санъат сарҳашмаларини асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида уюштирилаётган танловда юзлаб иқтидор эгалари қатнашадилар.

Халқ ижодиётининг ранг-баранг намуналарини ўзига жо этган ана шу танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари ҳудудий босқичларидан муваффақиятли ўтган жамоалар ва ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирок этганлар

алла, ёр-ёр, лапар, айтишув ва ўлан ижрочилиги бўйича беллашдилар. Қатнашчилар халқимиз орасида айтиб келинган ўзбек халқ озаки ижоди маҳсулларини ўзгача иштиёқ ва ғурур билан қуйлади-лар. Уларнинг ижро маҳоратини халқимизнинг ардоқли санъаткорлари, маданият ходимлари, таниқли бастакорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Якуний натижаларга кўра, жамоалар беллашувида Олма-лик шаҳри биринчи, Паркент ва Бўстонлик тумани вакиллари иккинчи, учинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, иштирокчилар қатор номинациялар бўйича ҳам тақдирландилар. Ўрта чирчилик Малоҳат Ханжарова "Энг яхши алла ижроси", оҳангаронлик Санобар Илёсова "Нафис овоз соҳиби"

деб топилди. Чирчиқ шаҳри вакиласи Мухтабар Эргашева "Энг яхши лапарчи", чирчиқлик Манзура Юсупова "Энг яхши ёр-ёр ижроси" дея эътироф этилди.

Ўзининг келин саломати билан барчага хуш кайфият улашган пискентлик Софья Матмусоевага "Энг яхши келин салом" номинацияси соврини топширилди.

Дарове, Бўка тумани жамоаси танловдаги "Энг фаол", Ангрен шаҳри эса "Энг тиришқок" жамоа деб топилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

ИРОДА МАКСУДОВА.

СУРАТДА: танловдан лавҳа.

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

риш концепцияси"да белгиланган ва-
зифалар янада фаолликни талаб эт-
моқда.

Текшириш жараёнида меҳнат шартномаси мавжудлигига, ходимнинг буйруққа асосан ишга қабул қилинганлигига, буйруқлар китоби ўз вақтида рақамланиб, шнурланганлигига ва унинг тўғрилигига, тузатишлар киритилмаган ҳолда юритилганлигига эътибор қаратиш лозим.

Очилиш маросими тугагач, янги бинода вилоят бошқарувининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган раёсат йиғилиши бўлиб

М. АПИЕВА

КЎРГАЗМАЛАР

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида таъниқли ижодкорлар — ранг-тасвирчи Раҳимжон Ризамухамедов, график Ривкат Азихонов, плакатчи Неймат Ҳаким ва ҳайкалтарош Улугбек Мардиевларнинг 400 га яқин асарларини ўз ичига олган кўргазма бўлиб ўтди. Улар турли йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг бадий графика факультетини, Тошкент театр ва рассомлик институтини таълим олишган.

МЕҲРАҒА ДАВВАТ

Кўплаб халқаро ва республика кўргазмаларининг иштирокчиларидир.

Кўргазмага қўйилган асарларда мамлакатимизнинг гўзал табияти, манзаралари, йил фасллари, тарихий шахслар, маданиятимиз арбоблари портретлари, аёл сиймосининг турли қиёрали, тарихимиз билан боғлиқ лавҳалар, ҳақимиз яратган йирик иншоотлар, қадриятларимиз акс этган меъморий ёдгориликлар, ижтимоий ҳаётимизнинг турфа қири-нишлари напортомторлар акс этган.

Кўргазмага қўйилган вилоятимизнинг сўлим гўшалари ҳақидаги "Зангиотда куз", "Сўхотда баҳор", "Чирчиқда кун ботиш" (рассом Р. Ризамухамедов), "Чорвоқ. Эюда", "Чорвоқ атрофида. Эюда-лар", "Сўхотда тонг" (Р. Азихонов), "Оқтошда куз" (Н. Ҳаким) каби асарлар қалбларни мафтун этиб, ҳаётга меҳримизни оширади.

Экспозициялардан ўрин олган асарлар қандай жанр ва мавзудалиги, қайси вилоятга тегишли эканлигиндан қатъи назар, машҳур ижодкорларнинг энг яхши аънавалари асосида ижодий изланишлар кўзга ташланади. Улар бизни ўзликни англашга, ҳаётни севишга, меҳр билан яшашга ундайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Бўстонлиқ:

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

4. Йилнинг тўрт фасли бу ердан меҳмон аримайди

Замон ардоқлаган қадимий афсоналарга бой Бўстонлиқнинг ўзига хос жиҳати бор. Унда Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва урф-одатларини ўрганишда аҳамиятли бўлган қадимий ёдгориликлар, муқаддас қадамжолар бисёр. Олимлар туман маркази Газалкент атрофида V-VIII асрларда бунёд этилган ўнлаб қадимий кўрғонларни топишгани ва улар давлат муҳофазасига олиниб, "Ўзбекистоннинг ёдгориликлар мажмуаси"га қайтарилгани ҳам бор гап.

Ақл бовар қилмайдиган ўтмиш саҳифаларидан сўзловчи гўшага ҳар йили юзлаб хорижлик сайёҳлар келиб, бу жойларни зиёрат қилаётганликлари айтилган.

Шунингдек, туман нафақат вилоятимиз ахли, балки пойтахтликлар кишу ёзда мориқиб хордиқ чиқарадиган гўзал маскан.

Туманда "Оқтош", "Тоғқосой", "Чотқол", "Хумсон" каби сийхатгоҳлар бўлиб, улар доимо дам олувчилар билан гажвум. Сийхатгоҳларда барча шарт-шароит ва кулайликлар яратилган. Муолажалар сўнгги русумдаги асбоб-ускуналарда олиб борилади. Малакали шифокорларнинг тинимсиз меҳнати барчага манзур, бунга "Чотқол" сийхатгоҳида бўлганимизда ҳам амин бўлдим.

— Уйқусизлик безовта

қиларди, — дейди Навоий вилоятидан ташриф буюрган Холбека ая Бозорхонова. — Бу ерда электр билан даволаш усулидан фойдаланишар экан, муолажаларнинг учинчи кунидеяк аҳолини яхшилана бошлаганини сездим. Даволанувчилар учун шундай шароитларни яратиб берганларга минг раҳмат.

Туман болажонлар учун айниқса, қадри маскан. Ёз бошланди дегунча у ердаги "Нилуфар", "Хумо", "Кимёгар", "Тонг", "Қуёшли", "Ёшлик", "Семург" каби 30 дан ортқ оромгоҳлар болажонларни бағрига қорлайди. Бу йил вилоятимиздаги 27 мингдан зиёд ҳамда орол-бўйилик 1200 нафар ўғил-

қизни ушбу соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олдириб, соғлигини тиклаш режалаштирилган.

Оромгоҳларда болаларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш, дунёқарашларини бойитиш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари имкон етарли. Туман бўйлаб саёҳатимиз давомида Хондайлик қишлоғидаги "Хумо" оромгоҳига боришга қарор қилдик.

"Хумо" салкам 11 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, минглаб мева ва манзарали дарахтлар билан ўралган. Оромгоҳда 2 та сузиш ҳавзаси, 2 та футбол майдони, волейбол, баскетбол май-



дончалари бор. Шунингдек, 3 мингга яқин китоб фондига эга замонавий кутубхона, компьютерлар билан таъминланган маънавият ва маърифат хонаси, кенг, ёруғ ошхона, гулзор ва хибоналар бунёд этилган. Болажонлар учун юмшоқ ўйинчоқ, бисер тиқиш, рассомчилик тўғрисидаги ишлар турлари.

— Бу ерда "Хумо маликаси", "Нептун хузурида меҳмонда", "Сен тутилган кун" каби кўнгилочар тадбирлар доимий уюштирилади. — дейди оромгоҳ раҳбари На-

фиса Шораҳимова. — Фарзандларимизда миллийликни янада шакллантириш мақсадида "Барчиной ва Алпомиш" спорт ўйинлари ўтказилади. "Ўзбекистон кунини" номи тадбиримизда эса иштирокчилар Ўзбекистонимиз тарихи, раишлари ҳақидаги билимларини си-наб беллашадилар. Ушбу жаннатмакон масканда ёзни

мароқли ўтказётган ўғил-қизларга қараб ҳавасимиз келди. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик келажакда самара беришига шубҳа йўқ.

Ирода НОРОБОВА,
Собир ЗУФАРОВ,
Даврон АХМАД
(суратлар),
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари

аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда;

— Байлирсой! болалар оромгоҳида юзлаб ўғил-қизлар ёзни мароқли ўтказмоқда.

Достон дала ҳовли олди. Аммо у дала ҳовли эмас "яла ҳовли" бўлиб чиқди. Достоннинг тоғгани шу ҳовли-жағга кетди. Олти сотик ерда қурилган шинамгина икки қаватли уйга "замонавий" тус бергунча она сути оғзидан келди. Шаҳардан нақд тўксон километр узоқликда, тоғлар орасида жойлашган бу масканга келтирилган қурилиш ашёларининг ҳар бир кубометри, йўл ҳаражатлари-ю ишчи кучига қийинлиқ, миллионга айланган, бир донда пишқиб гишт баҳоси олтинга тенгларган эди. Бундай "гадой топмас" ердан дала ҳовли олганини кўрган Достоннинг отаси, бошидаёқ ўғлидан қаттиқ хафа бўлган. Бир келганда, қайтиб қадим босмаган. Аммо суюкли хотинига жуда ёққан эди. Рассомчилик институтини тутатган Фароғат бўш пайтларида, елкасига этюднинг иилиб, теваарак-атроф манзаралари суратини чиқишга отланарди.

Дала ҳовли жойлашган ер ҳақиқатдан ҳам хушхаво ва мафтункор бўлиб, шаҳардан чиққанларга ёқарди. Айниқса, кичкинагина Тулкибош қўлининг хушманзара соҳиллари машҳур рассом Кунинининг мўйқаламидан ҳозиргина чиққан суратдек инсон диққатини ўзига тортарди. Бундай манзараларга мафтун Фароғат ҳам Тулкибош соҳилларида беш-олти этюдни оқ матога тушириб, қувончи ичига сирмасди. Меҳмонхона деворларига осилган бу суратларни томоша қилган танишлар орасидан харидорлар ҳам чиқиб, расмларининг аксарияти сотилиб ҳам кетди. Бу эса ёш рассомни янада илҳомлантирди, гайратига-гайрат қўшди. Унинг кўни қўл бўйида ўтадиган бўлиб қолди. Хотинининг қувончидан мамнун Достон эса, севгилининг атрофида гирдиқалапал экди.

Қуналининг биринчи тахририятда ўтирган Достон, жиринглаб қолган қўл телефонини қўлига тутиб, тахтадек қотди. Телефон қилиётган Фароғат шодлиги ичига сийма:

— Достон ака, суюнчи бериңг, фарзанд кўра эканми! — деди.

Беш йилдан бери "қули" бўлмаётган Фароғатни бепуштлиқда айлал, Достоннинг ота-онаси ягона ўғиллари учун "туғиб берадиган келин" излашга киришган, набила онани ёшлар ўртасидаги муҳаббат асло қизиқтирмади. Ҳар гал ҳовлига борганларида, улар Достонни четта тортди, ажралишдан гал очинарди. Бундай босимлардан безган Достон ўзи тугилиб ўсган уйига келиб-кетилишга қайтарган, онда-сонда, байрам кунлари келганида ҳам, турли баҳона-

лар билан, Фароғатни олиб кел-маслиққа ҳаракат қиларди...

Эшикдан ҳовлиқиб кирган Достон, отаси билан сўрашди-да, кўрпа қавиб ўтирган онасини меҳр билан қучди.

— Келиннинг оғир оёқли бўлибди! — деди у қувонч билан.

— Яратганга минг қайта шукр! — деди онаси ўғлини бағрига босиб, дошар экан. — Қўни-қўшини, қариндошлар ичидеякимиз ёруғ бўладиган бўлди!.. Ажралиб кетишларингга мутлақо қарши эдим. Ҳамма

Аъзам АЗИМИЙ

ЕР ОСТИГА
ЯШИРИЛГАН
АЖАЛ

тўполонни бесабр даданг бошладилар. "Ўғлимга кўча тўла хотин!" деб, вайсаганлари вайсаган эди. Худо хоҳласа, Фароғатхоннинг кўзлари омон-эсон ёриси, набирамни дадангнинг кўзларига бериб бўлмас!

— Ана холос! Ўзинг-ку: "Кунимиз бепушт келинга қолдимми?" деб, кунда миямини қоқиб, қўлимга берардинг. Энди у кунлар унутилиб, биз ёмонотиқ бўлиб қолдикми? — Дадаси ўпкалагандек бўлиб, шодлик кўзешларини рўмолчаси билан яширди.

Оиланинг шодлиги кўпга қўзилмади. Хомила олти ойга етганда тўшди. Бир муддат касалхонада ётган Фароғат, уйга қайтганида меҳрибон қайнонасининг қатъий назорати остида парваришланди. Орадан тўрт ой ўтган, нақ аямасиз кунлари келиннинг яна бўйида бўлди. Кунлар илий бошлаганида, Фароғатнинг қистови билан Достон уни яна Тулкибош соҳилларига элтиб қўйди. Бу гал энди Фароғат ёлғиз эмас эди. Достоннинг ота-онаси ҳам ҳамроҳ бўлиб чиққан эди. Келин кўтаринки қайфиятда, шавку-завқ

— Ўғлим, шаҳардан бу ерга қатнаибериб, анча чарчадинг. Энди шаҳар ҳовлида ҳам яшаш керак, — деди у дабдурустдан.

— Ҳозир авжи жазирамада, ҳамма шаҳарни ташлаб, тоғга, дарё бўйидаги соя-салқин жойларга интилаётганда, шаҳарга кетамиз деганингиз-кизиқ. Кечегина бу ерларни мактаб, бўлоқ сувларидан қосалаб ичиб юрган эдингиз-ку? Ёки келиннингиз хафа қилиб қўйдими?

— Келиним нега хафа қиларкан?! Фароғат ўз қизим қатори! — деди ота, сўнг овозини бироз пасайтириб, давом этди: — Атрофнинг, ҳақиқатдан ҳам жаннатдек гўзал, хушхаво, аммо негандир файли йўқ. Бу ерда бир ярим ой турган бўлсак, инсон зоти у ёқда турсин, бирорта жониворни кўрмабман! Одамни ямалай ютадиган ерлар экан! — деди, зарда билан қўл шиллаб.

— Дадаси, бу ерни излаб-излаб, зўрга топдим! Сиз ҳозирча унинг қадрига етмаясиз. Роса ижод қиладиган ер! Бу боғнинг эгаси таниқли метеоролог инженер эди. Россияга кетаётгани учун сотишга мажбур бўлган. Бечоранинг қўлига пулни тутказганимизда, унинг кўзла-

ридан ёш дарё бўлиб оққан!

— Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

ридан ёш дарё бўлиб оққан! — Балким бу қувонч ёшлари бўлгандир?! Ахир бу гадоий топмас ерга сендек тентакдан бўлак ким ҳам келар эди! Кеча, келин онанг билан қўл бўйига сайр қилгани кетишганида, дарвоза олдида УАЗ машинаси келиб тўхтади. Чиксам, геологлар экан. Машинанинг радиатори қизиб кетибди, бир челақ сув сўрашди. Орада қўлининг номи билан қизиқди. "Тулкибош" деганди, бир-бирларига маъноли қараб: "Лаънатланган қўл-ку" дейишди. Мен улардан: "нега бундай дедиларинг?" деб сўрасам, улар: "Ерлик халқ бу қўлга шундай ном

роғат яна оғир оёқли. Бирор ойда, Худо хоҳласа, қўзи ёрийдил! Зериккан бўлсаларинг, зўрлаш йўқ, шаҳарга элтиб қўяман, аммо биз келиннингиз билан шу ерда яшай-верамиз!

Ўғлининг қўлига гап кирмаслигини кўрган ота, қўлини силтаб ичкарига қилиб кетди. Достон бўлса, ўзини қўярга жой тополмай, хонасига қилиб кетиб, китобларини титқилай кетди. Тунда ҳам уйқуси қочиб, ажриққа ағанагандай бўлиб қичди. Кун ёришганда эса, машинасини ювиб келиш баҳонаси билан, нонушта ҳам қилиб, жўнаб кетди. Нияти отаси тилга олган сирли қишлоқни кўрмоқ эди.

Тулкибош қўлидан уч-тўрт чакирим фарбда жойлашган ўрмонзор, ҳақиқатдан ҳам мева дарахтларга қўйилган замонавий ўрғунча бўлиб, қўчалари бўм-бўш, хатто дайди итлару мушуклар ҳам кўринмас эди. Сукунат ичидея қолган жаннатмакон қишлоқ ҳақиқатдан киши дилига ваҳима соларди. Бир табақаси қия ёпиқ дарвоза олдида машинасини тўтатган Достон, овоз бериб, дарвозадан ичкарига секин кира бошлади. Ҳовлига ётқизилган асфальт, вақт таъсирида ҳар ер-ҳар еридан ёрилиб, ажриқ ўтлар боса бошлаган эди.

Ишқом тағига ўрнатилган сўрини тахталари чирий бошлабди. Тахта ёриқларидан эса, қамчилар ўсиб, тик қўтарилган. Достон, кесаксидан қўчган эшикни очиб, уйнинг ичкарисига кирди. Болали у бўлган шекилли, меҳмонхонада ўйинчоқлар сочилиб ётарди. Йиғиб олишга улгурилмаган наमत-гиламлир эса, икки элик чанг остида қолган. Ўғирсизона қилиб қолгандек, юрагини ваҳима босган Достон, секин бу ҳовлидан қичди-да, сал наридаги, қизил тунука томли хонадон эшигини очди. Ҳовли ўртасидаги уч гилдиракли велосипед худди ҳозиргина ағанагандек, уни бир зум тарк этган шўх болакай бог ичиндан югуриб қичиб, яна ҳовлини гир айлантириб, велосипед минадигандек туюларди. Деразаси очик бўлган уйнинг ичиндан эркак кишининг овозини эшитган Достоннинг юраги бир ҳап-риқиб тўшди. Аммо, бу — сухандоннинг бир маромадаги овози эканлигини фаҳмлаб, ўзини босди-да дадил ичкарига кирди. Қараса, деворга осиглиқ радио, худди ҳеч нарса бўлмагандек, эрталабки воқеаларни шарҳлаш билан овора...

(Давоми бор).

БЕКАЖОН

КИЕВ ТОРТИ

Керакли масалликлар: туҳум — 9 та, шакар — 1,5 пиела, ёнғоқ — 1,5 кг.

Тайёрлаш: олдин бисквит нони пишириб олинади. Туҳум оқини яхшилаб кўпиртириб, шакарни оз-оздан солаимиз. Тайёр безега йирик ёнғоқни ара-лаштириб олиб, тағига оддий қоғоз солиб, кейин безени қўйиб, илқ духовкага 2,5 соатга қўямиз. Яхши қиқиши учун оловни бир кўтариб, яна пасайтириб қўйилади. Лекин очиш мумкин эмас.

Бисквитнинг ўртасини кесиб, пишириб олинган безе қўйилади. Кейин торти ўзингиз истаган шаклда безатиб оласиз.

Қаймоқли крем тайёрлашга: 0,5 литр қаймоқ миксерда яхшилаб кўпиртириб олинади. Сўнг 2 қути шакар қуқунини солиниб, миксер ёрдамида яна кўпиртирилади.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Холажон, сизга ҳақиқий дорилар керакми ёки арзониданми?

— Ўзингга маъқулдан беравер.

Қибрай тумани ТСРЎИ томонидан 2002 йил 22 апрелдаги № 000045-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Қибрай тумани, Қипчоқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган "RAIMJON FERMER" фермер ҳўжалиги (СТПР 204008694) ТУГАТИЛАДИ (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 02.04.2011 йилдаги 1-сонли қарор).

Дебитор ва кредиторлар даъволари икки ой муддатда 360-58-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.
Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилиш ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ